



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Комил Бахрамович Уразов, Лобар Джафаркуловна Алиева</b> Корхоналар соф активларидаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини бериш	160
<b>БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Хуббим Аскарлович Улашев</b> Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш чоралари	167
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг асосий йўналишлари	172
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Ithom Begmatdulobovich Mattiyev</b> Talabalarda salomatlikni ta'minlash jarayonida jismoniy tarbiya va sog'lomlashtirishga bo'lgan dunyoqarash omillari	178
<b>Акмал Алимжонович Салимов</b> Таълим тизимини самарали бошқаришда “умр давомида таълим” концепциясининг ўрни	182
<b>Sherzod Alimardonovich Kuldashev</b> Та'лим хизматлари bozorida oliy ta'lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning muhim omillari	186
<b>Mirzabek Kulmamatovich Jonuzokov</b> O'zbekiston oliy ta'limida investitsiyaviy jozibadorlik: muammo va yechimlar	191
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов</b> Таълим соҳасида Япония ва Хитой тажрибаларидан айрим битиклар	197

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

**Комил Бахрамович Уразов** – СамИСИ профессори, иқтисод фанлари доктори,  
**Лобар Джафаркуловна Алиева** – Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси хузуридаги  
Фискал институт магистранти

## КОРХОНАЛАР СОҒ АКТИВЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА АУДИТОРЛИК БАҲОСИНИ БЕРИШ

**Аннотация:** ушбу мақолада корхона активлари алоҳида гуруҳлари ва турлари (моддалари)ни хусусий капитал билан таъминланганлик ҳолати ва ундаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини бериш услубиятини такомиллаштириш йўллари, шунингдек соғ активлардан самарали фойдаланиш йўналишлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** соғ активлар, хусусий капитал, узоқ муддатли активлар, қисқа муддатли активлар, соғ активларни узоқ ва қисқа муддатли активлар гуруҳлари ва турлари ўртасида тақсимлаш, соғ активлардан самарали фойдаланиш йўллари, аудиторлик таҳлили, аудиторлик баҳоси.

**Кириш.** Бозор иқтисодиёти қонунлари асосида фаолият юритиш, ушбу шароитда мавжуд бўладиган ва тобора кучайиб борадиган рақобатга бардош бериш ҳар бир тадбиркорлик субъекти олдига молиявий барқарорлик ва мустақиллик даражасини борган сари ошириб боришни, бунинг учун узоқ муддатли (айланмадан ташқари) ва қисқа муддатли (жорий айланма) активларда соғ активлар<sup>1</sup> улушини ошириб боришни устувор вазифа қилиб қўймоқда. Ушбу устувор вазифани корхоналар томонидан қай даражада бажарилаётганлигини холис аниқлаш ва баҳолашнинг муҳим дастаклари бўлиб уларда юритиладиган бухгалтерия ҳисоби ва ўтказиладиган таҳлил ҳамда аудит ҳисобланади.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитга оид дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда соғ активлар (хусусий капитал) турли мақсадларда очиқланган бўлса-да, бироқ молиявий ҳисоботнинг ушбу муҳим элементи суммасини корхоналар узоқ ва қисқа муддатли активлари ўртасида тақсимлаш, уларни кўпроқ самара берувчи активларга йўналтириш масалалари етарлича ёритилмаган. Манбаларда хусусий капитални корхона активлари ўртасида тақсимлашда фақат уларни хусусий айланма активларга тегишли қисмини аниқлашда қўлланилиши мумкин бўлган методологик тартиблар келтирилган. Бинобарин, ушбу тартиблар кўп жиҳатлари бўйича мунозарали ҳисобланади. Амалиётда ўтказиладиган аудитда корхоналар соғ активлари ва улардаги ўзгаришларга етарлича аудиторлик баҳоси берилмасдан қолмоқда, ахборот фойдаланувчиларни, айниқса инвесторлар ва мулк эгаларига соғ активларни қандай турдаги активларга йўналтиришнинг кўпроқ самара бериши бўйича аниқ аудиторлик тавсиялари берилмасдан қолмоқда. Натижада, ўтказиладиган аудитнинг инвесторлар ва мулкдорлар учун нафи сезиларли бўлмасдан қолмоқда. Ушбу ҳолатларнинг ҳаётда мавжудлиги аудиторларга бўлган талаб ва ишонччи ҳам пасайишига олиб келмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хусусий капитал ёки унинг синоними бўлган соғ активлар бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитга доир аксарият дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда, давлатларнинг қонунлари, халқаро ва миллий стандартларда бир хил мазмунда, яъни “корхонанинг жами активларининг жами мажбуриятлар чегирилгандан кейин қолган қисми” сифатида талқин қилинади. Одатда, бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид манбаларда<sup>2</sup> “хусусий капитал”, молиявий ҳисоботнинг

<sup>1</sup> Соғ активлар, бошқачасига, хусусий капитал ҳам деб аталади.

<sup>2</sup> Хасанов Б.А., Хашимов А.А. ва бошқалар Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт дунёси», 2021. -992 бет; Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Иқтисод-молия», 2019. – 624 б; Уразов К.Б., Пўлатов

халқаро стандартлари (МХХС)да<sup>1</sup> “капитал”, иқтисодий таҳлилга оид манбаларда ва ижтимоий тармоқларда<sup>2</sup> эса “соф активлар”, “соф айланма активлар”, “айланма капитал”, “ишчи капитал” каби тушунчалар кенг қўлланилади. Ҳисоб, таҳлил ва аудитга оид аксарият манбаларда уларнинг муҳим объектлари бўлиб қуйидаги кўрсаткичлар эътироф этилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**Корхоналар соф активлари бўйича ҳисоб, таҳлил ва аудит объектлари ҳисобланадиган кўрсаткичлар**

Т/р	Кўрсаткич номи	Ҳисоб юритиш, таҳлил ва аудит ўтказиш ва ҳолис баҳо беришнинг зарурати ва аҳамияти
1	Соф активларнинг текширув қамраб олинган ҳисобот даври боши ва охиридаги пул бирлигидаги умумий ҳолати	Ҳисобот даври боши ва охирида корхона молиявий мустақиллиги даражасини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради
2	Соф активларни текширув қамраб олинган ҳисобот даври боши ва охиридаги таркибий элементларининг пул бирлигидаги ҳолати ва ҳиссаси	Ҳисобот даври боши ва охирида корхона соф активларини ташкил топиш манбалари ҳолати ҳамда улар ҳиссасини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради
3	Текширув қамраб олинган ҳисобот даврида корхона соф активлари умумий ҳолати ва таркибий элементларидаги мутлоқ ва нисбий ўзгаришлар	Ҳисобот даврида корхона соф активлари умумий ҳолати ва таркибий элементларидаги мутлоқ ўзгаришлар, ўсиш (пасайиш) ва кўшимча ўсиш (камайиш) суръатини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради
4	Текширув қамраб олинган ҳисобот даврида корхона соф активларида улар алоҳида элементларининг улушидаги ўзгаришлар	Ҳисобот даврида корхона соф активларида уларнинг алоҳида элементлари улушидаги ўсиш (пасайиш) ва кўшимча ўсиш (камайиш) суръатини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради
5	Текширув қамраб олинган ҳисобот даврида корхона соф активлари ва уларнинг алоҳида элементлари ҳолати ҳамда улушидаги ўзгаришларга таъсир қилган кўрсаткичлар	Ҳисобот даврида корхона соф активлари ва уларнинг алоҳида элементлари ҳолати ҳамда улушидаги ўзгаришларга таъсир қилган кўрсаткичлар миқдорига “сабаб-оқибат” занжирида баҳо берилади

М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 558 б; К.В. Urazov, N.U. Xudayberdiyev, M.M. Ibragimov, D.K. Urazov. Buxgalteriya hisobi va audit / Darslik. – Samarqand. «Fan bulog'i» nashriyoti, 2022. –408 б; Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами.– Т.: Норма, 2010.-527 б.

<sup>1</sup> . Международные стандарты финансовой отчетности. <https://normativ.kontur.ru>.

<sup>2</sup> Pardayev M.K. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik.– Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” DUK, 2020. – 588 б.; Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Пўлатов М.Э., Усманова Д.К. Финансовый анализ предприятий. Учебное пособие по опыте РФ и РУз. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» ДУК, 2020. – 768 бет; Dusmuratov R.D., Boltayev A.S. Moliyaviy tahlil. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2020. – 458 б.; Raximov M.Y., Astanakulov O.T., Kalandarova N.N. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. Darslik. - Т.: Iqtisod-Moliya. 2020. – 410 ; Шадрин Г.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности. Учебник и практикум. Москва: Юрайт, 2020.-431с.; <https://www.google.com/search>; [https://kontur.ru/expert/glossary/343-sobstvennye\\_oborotnye\\_sredstva](https://kontur.ru/expert/glossary/343-sobstvennye_oborotnye_sredstva); <https://ru.wikipedia.org/wiki>

**Тадқиқот методологияси.** Фикримизча, корхоналар соф активлари ҳолати ва улардаги ўзгаришларга холис аудиторлик баҳосини бериш инвесторлар, мулк эгалари ва давлат бошқарув органлари учун ўта зарур. Корхоналар молиявий ҳисоботининг ушбу муҳим элементини ҳисобга олиш, аудиторлик таҳлилидан ўтказиш ва холис баҳо бериш масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этишда мазкур фанлар методини ташкил қилувчи барча замонавий усулларни қўллаш зарур ва улар тегишли натижаларни олиш имконини беради. Мақолада корхоналар соф активлари ҳолати ва улардаги ўзгаришларга холис аудиторлик баҳосини бериш масалалари илмий тадқиқотида иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, дедукция ва индукция, синтез ва анализ, мулоқот ва нисбий кўрсаткичларни аниқлаш, гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш усулларига асосланган.

**Таҳлил ва натижалар.** Корхонанинг соф активлари (хусусий капитали) унинг ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли активларига тегишли ҳисобланади. Мисол учун, таъсисчилар томонидан устав капиталига киритилган бадаллар асосий воситалар, уларни киритишда ҳамда қайта баҳолашда вужудга келган қўшимча ва резерв капитали, одатда, асосий воситалар ва номоддий активлар баланс қийматида ўз аксини топади. Худди шунингдек, таъсисчилар томонидан устав капиталига бадал сифатида киритилган товар-моддий бойликлар (ТМБ), миллий ва хорижий валюталар, улар киритилишидаги курс фарқлари, беғараз олинган, грантлар, субсидиялар кўринишида олинган ТМБ эвазига вужудга келган қўшилган капитал, резерв капитали, мақсадли тушумлар корхоналарнинг айланма активлари қийматида ўз аксини топади. Фаолият юритиш даврида вужудга келган ва тўпланиб борган тақсимланмаган фойдаси бир вақтнинг ўзида корхонанинг ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли активларида ётади ва уларнинг “сояси” ҳисобланади. Айнан шу боис ҳам, корхонанинг маълум бир санада мавжуд бўлган соф активларини қандай қисми айнан узоқ муддатли активларга, бошқа қисми эса қисқа муддатли активларга тегишлилигини бевосита аниқлаб бўлмайди.

Номлари юқорида зикр этилган аксарият адабиётларда бухгалтерия баланси асосида корхонанинг ўз айланма активлари (ёки соф айланма активлар) кўрсаткичини қуйидаги арифметик қурилмалар асосида аниқлаш тавсия этилган:

$$Саа = Жаа (ёки БА,2Б) – Жқмм (ёки БП, 2Б) \quad (1)$$

ёки

$$Саа = Хк (ёки БП,1Б) + Умм (ёки БП, 2Б) – Жума (ёки БА, 1Б) \quad (2)$$

**Бу ерда:** Саа – соф айланма активлар; Жаа– жами айланма активлар; (БА,2Б)- (баланс активининг 2-бўлими); Жқмм– жами қисқа муддатли мажбуриятлар; (БП, 2Б) - баланс пассивининг 2-бўлими); Хк хусусий капитал; (БА, 1Б)- баланс активининг 1-бўлими; Умм– узоқ муддатли мажбуриятлар; (БП,2Б) - баланс пассивининг 2-бўлими; Жума– жами узоқ муддатли активлар; (БА,1Б) - баланс активининг 1-бўлими.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг соф айланма активларини аниқлашнинг юқорида келтирилган иккала арифметик қурилмаси ҳам мунозаралидир. Чунки, юқоридаги арифметик қурилмаларда уларнинг таркибий элементлари сифатида олинган корхоналар оладиган узоқ ва қисқа муддатли кредит ҳамда қарзлар, одатда, ҳар иккала турдаги активларга, яъни узоқ ва қисқа муддатли активларга ҳам тегишли бўлади. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар айнан қисқа муддатли активларга, узоқ муддатли кредит ва қарзлар эса айнан узоқ муддатли активларга тегишли дейиш тўғри эмас. Одатда, корхоналар айланма активларни шакллантириш мақсадида узоқ муддатли кредит ва қарзларни ҳам олишлари мумкин ва бу қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган.

Фикримизча, корхоналар соф активларини узоқ ва қисқа муддатли активлар ўртасида маълум бир мезон асосида тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Бундай мезон соф активларни барча активлар ўртасида адолатли тақсимланишига имкон бериши лозим. Бизнингча, энг адолатли мезон бўлиб “тақсимлаш базаси” ролини ўйновчи кўрсаткич ҳисобланади. Бундай кўрсаткич бўлиб эса, фикримизча, узоқ ва қисқа муддатли активларнинг, шунингдек улар ҳар турининг жами активлардаги улуши ҳисобланади. Тақсимлаш базаси

сифатида олинадиган улуш жуда оддий йўл билан, яъни узоқ ва қисқа муддатли активлар ҳамда улар ҳар бир тури суммасини жами активлар суммасига нисбати сифатида аниқланади, яъни:

$$Y = Y(\text{Қ})_{\text{мамс}} / \text{Жас} * 100\% \quad (3)$$

Бу ерда:  $Y$ - узоқ ва қисқа муддатли активлар ҳамда улар ҳар бир тури (моддаси) суммасининг жами активлар суммасидаги улуши, %;  $Y(\text{Қ})_{\text{мамс}}$  – узоқ ва қисқа муддатли активлар ва улар ҳар бир тури (моддаси)нинг суммаси;  $\text{Жас}$  – жами активлар суммаси.

Корхона узоқ ва қисқа муддатли активлари ҳар бир тури (моддаси)нинг жами активлардаги улуши ҳамда корхонанинг жами хусусий капитал суммаси асосида ҳар бир активнинг қандай қисми бевосита хусусий капитал билан таъминланганлигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги арифметик қурилмадан фойдаланиш етарли деб ҳисоблаймиз:

$$\text{ХҚуқма} = \text{ХК} * Y / 100\% \quad (4)$$

Бу ерда:  $\text{ХҚуқма}$ - узоқ ва қисқа муддатли активлар ва уларнинг ҳар бир тури (моддаси)га тўғри келувчи хусусий капитал суммаси;  $Y$ - узоқ ва қисқа муддатли активлар ҳамда улар ҳар бир тури (моддаси) суммасининг жами активлар суммасидаги улуши, %

Корхоналар активлари алоҳида турлари (моддалари)ни хусусий капитал билан таъминланганлик даражасига аудиторлик баҳосини беришнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган методологиясини аудиторлик фаолиятида қуйидаги кетма-кетликда қўллашни тавсия этамиз.

**Биринчидан**, корхонанинг реаллиги тўлиқ аудит текширувидан ўтган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи (бухгалтерия баланси) унинг барча активларини соф активлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ва аудиторлик баҳосини бериш учун асосий ахборот манбаси сифатида олинади.

**Иккинчидан**, барча активларини соф активлар билан таъминланганлик даражасини аниқлашда “тақсимот базаси” сифатида танланган жами соф активлар (хусусий капитал)нинг корхона жами активларидаги улуши (фоизи ёки коэффицентни) аниқланади.

**Учинчидан**, топилган ягона тақсимот базасини (фоиз ёки коэффицентни) барча активларнинг балансда кўрсатилган суммаларига кўпайтириш орқали уларнинг соф активлар билан таъминланган қисми топилади, бинобарин ушбу кўрсаткичлар ҳисобот даврининг боши ва охирига аниқланиши мақсадга мувофиқ.

**Тўртинчидан**, ягона тақсимот базаси (фоиз ёки коэффицент) асосида балансда кўрсатилган барча активлар суммаларининг соф активлар билан таъминланган қисмлари жами суммасини жами соф активлар (хусусий капитал) суммасига тенглиги таъминланади.

**Бешинчидан**, дастлаб, корхона жами соф активларининг ҳисобот давридаги мутлақ ўзгариш суммаси ва ўзгариш (ўсиш ёки пасайиш) даражаси топилади, кейин эса, худди шундай тартибда барча активлар суммаларининг соф активлар билан таъминланган қисмларининг ҳисобот давридаги мутлақ ўзгариш суммалари ва ўзгариш (ўсиш ёки пасайиш) даражалари топилади. Бунда ҳам барча активлар суммаларининг соф активлар билан таъминланган қисмларининг мутлоқ ўзгариш суммалари ва ўзгариш (ўсиш ёки пасайиш) даражалари жами соф активлар (хусусий капитал) мутлақ ўзгариш суммаси ва ўзгариш (ўсиш ёки пасайиш) даражасига тенглиги таъминланиши лозим ҳисобланади.

**Олтинчидан**, ҳисобот даврида корхона соф активлари ва уларнинг алоҳида элементлари ҳолати ҳамда улушидаги ўзгаришларга таъсир қилган кўрсаткичлар таҳлил қилинади ва уларга баҳо берилади.

Номи сир сақланган “Дори дармон” акциядорлик жамиятининг 2022 йил якуни бўйича реаллиги аудиторлик текширувида тасдиқланган молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот (бухгалтерия баланси) асосида мазкур жамиятнинг жами активлари ва уларнинг алоҳида турлари (моддалари)ни хусусий капитал билан таъминланганлик даражасига юқоридаги методологик тартиблар бўйича аудиторлик баҳосини бериш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар ва ҳисоб-китоблардан кўриш мумкинки, тадқиқ этилган акциядорлик жамиятининг жами активлари йил бошига 48.8 млрд сўмни, йил охирига эса 57 млрд сўмни ташкил этган. Ҳисобот даврида жамиятнинг жами активлари 8.2 млрд сўмга кўпайган ёки 16,8 фоизга ошган. Жамиятнинг соф активлари (хусусий капитали) йил бошида 6.4 млрд сўмни, йил охирида эса 7.0 млрд сўмни ташкил этган, ҳисобот даврида соф активлар суммаси 0.6 млрд сўмга кўпайган ёки 9.9 фоизга ошган. Корхонанинг жами активларида хусусий капиталнинг улуши йил бошида 13.13 фоизни, йил охирида эса 12.37 фоизни ташкил қилган ва бу кўрсаткич ҳисобот йилида 0.79 пунктга пасайган. Биз томонимиздан тақсимот базаси сифатида танлаб олинган улушлар асосида корхонанинг жами узоқ ва қисқа муддатли активлари ва уларнинг ҳар бирини хусусий капитал билан таъминланганлиги мутлақ суммада юқорида тавсия қилинган арифметик формулалар асосида ҳисоб-китоб қилинган. Улар 2-жадвалнинг 7 ва 8-устунларида мос равишда йил боши ва охирига келтирилган. Улардан кўришиб турибдики, ҳисобот йили бошига 6.4 млрд сўмлик жами соф активларнинг 2.7 млрд сўми ёки 38.7 фоизи узоқ муддатли активларга, 4.3 млрд сўми ёки 61,29 фоизи эса қисқа муддатли активларга тўғри келган. Ҳисобот йили охирига келиб 7 млрд сўмга етган жами соф активларнинг 2.5 млрд сўми ёки 38.66 фоизи узоқ муддатли активларга, 3.9 млрд сўми ёки 61,34 фоизи эса қисқа муддатли активларга тўғри келган. Ҳисобот даврида узоқ муддатли активларнинг хусусий капитал билан таъминланган даражаси 0.5 пунктга пасайган ва мос равишда қисқа муддатли активларнинг хусусий капитал билан таъминланган даражаси шу пунктга ошган.

Узоқ муддатли активлар таркибида соф активлар билан таъминланиш даражасининг энг катта қисми молиявий инвестициялар ва асосий воситаларга тўғри келади. Чунончи, молиявий активларга тегишли соф активларнинг улуши давр бошига 22,58 фоиз бўлган бўлса, йил охирига келиб у 26,26 фоизга етган, асосий воситаларга тўғри келадиган соф активлар ҳисобот даврида 16,1 фоиздан 12,38 фоизга тушган.

Қисқа муддатли активлар таркибида соф активлар билан таъминланиш даражасининг энг катта қисми давр бошида товар-моддий захираларга (41,71 фоиз) ва дебиторлик қарзларга (18,07 фоиз) тўғри келган. Пул маблағларига тўғри келувчи соф активлар улуши йил бошида 1,5 фоизни ташкил этган. Ҳисобот даври охирига келиб товар-моддий захираларни соф активлар билан таъминланиш даражаси 6,59 пунктга пасайган ва 35,12 фоизни ташкил қилган. Дебиторлик қарзларга тўғри келувчи соф активлар улуши ҳисобот даври охирига келиб 6,19 пунктга, пул маблағларини соф активлар билан таъминланиш даражаси эса 0,46 пунктга ошган.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, корхона активларини хусусий капитал билан таъминланиши даражаси тадқиқ қилинган корхонада қатор муаммолар борлигини кўриш мумкин. Энг асосий муаммо корхонанинг жами активларида хусусий капиталнинг паст даражада эканлиги ва унинг янада пасайиш тенденциясига эгаллигидадир. Корхона активлари таркибида молиявий активлар ва дебиторлик қарзлар улушига тўғри келувчи соф активлар суммаси ва улушини ортиши соф активларнинг кўпроқ ички мақсадларда эмас, балки ташқи мақсадларга ишлатилганлигидан дарак беради. Ушбу маблағларни кўпайиши, маълумки, ресурслар имоблизациясига олиб келади ва соф активлардан самарали фойдаланилмаётганликдан дарак беради. Мазкур корхонада соф активлардан самарали фойдаланишнинг ички резервлари бўлиб уларни кўпроқ товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини кўпайтиришга қаратиш, дебиторлик қарзлар суммасини ошиб кетмаслигига эришиш, хусусий капитални фақат юқори самара берадиган молиявий инвестицияларга йўллаш ҳисобланади.

**2022 йилнинг боши ва охирига “Дори-дармон” акциядорлик жамияти активлари алоҳида турлари (моддалари)ни хусусий капитал билан таъминланганлик ҳолати ва ундаги ўзгаришлар аудиторлик таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Хусусий капитал билан таъминланган қисми				Жами хусусий капиталдаги улуши		
		Сумма, млн сум	Улуши, %	Сумма, млн сум	Улуши, %	Йил бошига, млн сум	Йил охирига, млн сум	Мутлақ ўзгариш, млн сум	Ўсиш суръати, %	Йил бошига	Йил охирига	Улушдаги ўзгариш
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
<b>1</b>	<b>Жами узок муддатли активлар</b>	<b>18902</b>	<b>38,7</b>	<b>22032</b>	<b>38,7</b>	<b>2482</b>	<b>2725</b>	<b>242</b>	<b>110,0</b>	<b>38,7</b>	<b>38,66</b>	<b>-0,05</b>
1.1	Асосий воситалар	7862	16,1	7056	12,4	1032	873	-159	84,5	16,1	12,38	-3,72
1.2	Номоддий активлар	14	0,03	11	0,02	2	1	-1	76,1	0,03	0,02	-0,01
1.3	Молиявий инвестициялар	11026	22,6	14965	26,3	1448	1851	403	127,8	22,6	26,26	3,68
<b>2.</b>	<b>Жами қисқа муддатли активлар</b>	<b>29927</b>	<b>61,3</b>	<b>34958</b>	<b>61,3</b>	<b>3930</b>	<b>4323</b>	<b>393</b>	<b>110</b>	<b>61,3</b>	<b>61,34</b>	<b>0,05</b>
2.1	ТМЗ	20365	41,7	20014	35,1	2675	2475	-200	92,5	41,7	35,12	-6,59
2.2	Дебиторлик қарзлар	8828	18,1	13827	24,3	1159	1710	550	147,5	18,1	24,26	6,19
2.4	Пул маблағлари	734	1,5	1116	2,0	96	138	42	143,2	1,5	1,96	0,46
<b>3</b>	<b>Баланс</b>	<b>48829</b>	<b>100</b>	<b>56990</b>	<b>100</b>	<b>6413</b>	<b>7048</b>	<b>635</b>	<b>110</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>0</b>
<b>4</b>	<b>Жами хусусий капитал</b>	<b>6413</b>	<b>13,1</b>	<b>7048</b>	<b>12,4</b>	<b>6413</b>	<b>7048</b>	<b>635</b>	<b>110</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>0</b>
4.1	Устав капитали	4205	8,6	4205	7,4	4205	4205	0	100,00	65,6	59,66	-5,90
4.2	Резерв капитали	2709	5,6	2664	4,7	2709	2664	-45	98,3	42,3	37,80	-4,45
4.3	Тақсимланмаган фойда	-501	-1,0	179	0,3	-501	179	680	-35,6	-7,8	2,54	10,35

Фикримизча, корхона активларини хусусий капитал билан таъминланишига юқоридаги методологик тартиблар асосида аудиторлик баҳосини бериш аудиторларга

инвесторлар ва мулк эгаларига тадбиркорлик субъектларига айнан қандай иқтисодий ресурсларни ажратиш (киритиш) бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишлари борасида реал тавсиялар беришга имкон беради. Ўз навбатида, ушбу методологик тартибларга асосланган аудиторлик таҳлили ва баҳоси инвесторлар ва мулк эгаларига тадбиркорлик субъектларига айнан қандай иқтисодий ресурсларни ажратиш (киритиш) бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишларида кўпроқ фойдали бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Хасанов Б.А., Хашимов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт дунёси»,2021. -992 бет;
2. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Иқтисод-молия», 2019. – 624 б;
- 3.Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 558 б;
- 4.К.В. Urazov, N.U. Xudayberdiyev, M.M. Ibragimov, D.K. Urazov. Buxgalteriya hisobi va audit / Darslik. – Samarqand. «Fan bulog‘i» nashriyoti, 2022. –408 b;
- 5.Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами.– Т.: Норма,2010.-527б.
- 6.Международные стандарты финансовой отчетности. <https://normativ.kontur.ru>.
7. Pardayev M.K. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik.– Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” DUK, 2020. – 588 b.;
- 8.Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Пўлатов М.Э., Усманова Д.К. Финансовый анализ предприятий. Учебное пособие по опыте РФ и РУз. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» ДУК, 2020. – 768 бет;
9. Dusmuratov R.D., Boltayev A.S. Moliyaviy tahlil. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2020. – 458 b.
10. Raximov M.Y., Astanakulov O.T., Kalandarova N.N. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. Darslik. - Т.: Iqtisod-Moliya. 2020.- 410;
11. Шадрина Г.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности. Учебник и практикум. Москва: Юрайт, 2020. -431 с.;
12. <https://www.google.com/search>;
- 13.<https://kontur.ru/expert/glossary/343-sobstvennye-oborotnye-sredstva>;  
<https://ru.wikipedia.org/wiki>

<p><b>К.Уразов, Л.Алиева</b></p> <p><b>Аудиторская оценка изменений в чистых активах предприятий</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье исследованы пути совершенствования методологии аудиторской оценки состояния и изменения обеспеченности отдельных групп и видов (статей) активов предприятия собственным капиталом, а также направления эффективного использования чистых активов.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> чистые активы, собственный капитал, долгосрочные активы, краткосрочные активы, распределение чистых активов между долгосрочными и краткосрочными активами, пути эффективного использования чистых активов, аудиторский анализ, аудиторская оценка.</p>	<p><b>K.Urazov, L.Alieva</b></p> <p><b>Audit assessment of changes in net assets of enterprises</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article explores ways to improve the methodology of audit assessment of the state and changes in the provision of certain groups and types (items) of an enterprise's assets with equity capital, as well as directions for the effective use of net assets.</p> <p><b>Keywords:</b> net assets, equity capital, long-term assets, short-term assets, distribution of net assets between long-term and short-term assets, ways to effectively use net assets, audit analysis, audit assessment.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.